

Қозоғистоннинг биринчи рақамли Ислом банки фаолиятини бошлади



09:22 / 12.08.2021 2062

Июл ойи охирларида, Қурбон ҳайити арафасида Қозоғистонда биринчи рақамли ислом банки – Таууаб расман ўз фаолиятини бошлади.

Компания асосчиси ва бош директори Иван Каменскийнинг сўзларига кўра, Таууаб компанияси Қозоғистонда жойлашган анъанавий молиявий муассаса – РБК Банк билан ҳамкорлик шартномасини тузган бўлиб, мазкур банк Таууабга банк лицензияси ва инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятини беради.

«Бизнинг компаниямиз Остона халқаро молия марказида (AIFC) рўйхатдан ўтган, бироқ марказнинг чакана банклар бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослари минтақани тўла қамраб ололмайди. Қозоғистонда ишлаш учун сиз

Қозоғистон Марказий банкининг лицензиясига эга бўлишингиз керак», дея тушунтириш бериб ўтди лойиҳа асосчиси.

Каменскийнинг айтишича, Таууаб айнан РБК Банк платформасидан фойдаланишга қарор қилган, чунки бу банк мамлакатда амалда ишлайдиган очиқ дастурлаш интерфейслари (open application programming interfaces, API)га эга бўлган кам сонли банклардан бири ҳисобланади.

Таууабнинг ички Шариат маслаҳатчилари ҳам мавжуд бўлиб, уларга Shariyah Review Bureau томонидан сертификатлар берилган.

Shariyah Review Bureau – Баҳрайн Марказий банки томонидан гувоҳнома (лицензия) берилган, ҳамда тартибга солинадиган муассаса бўлиб, Шариат Кузатув Кенгаши хизматлари, Маҳсулотларни сертификатлаш, шаръий аудитлар ва акциялар скрининги каби хизматларни ўз мижозларига тақдим этиб келмоқда. Компания хизматлари ААОИҒИ (Ислом молияси соҳасида шариат стандартлари ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш билан шуғулланувчи етакчи халқаро ташкилот) стандартларига мувофиқ бўлиши таъминланади.

Мазкур рақамли банк дастлаб ўзининг биринчи маҳсулоти – дебет картасини май ойида чиқаришни бошлаган бўлиб, бир неча ҳафта ичида 6500 мижозни жалб қила олган. Компания келгуси йил давомида 70 минг мижозга хизмат кўрсатишни режалаштирмоқда.

Ҳозирги мижозлар базаси, асосан, 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган аҳоли қатламини қамраб олган бўлиб, уларнинг 60% ини эркеклар ва 40% ини аёллар ташкил этади. Мижозларнинг барчаси мусулмонлардан иборат, лекин компания мусулмон бўлмаганларни ҳам жалб қилишга, уларнинг мижозлар базасидаги улушини 20 фоизгача етказишга умид қилмоқда.

Таууаб рақамли банки ҳозирда фақат рақамли хизматлар – тўлов карталари, пластик карталар, турли тўлов ва пул ўтказмалари хизматларини таклиф этмоқда. Барча амалиётларни 4 хил пул бирлигида: қозоқ тангаси, АҚШ доллари, евро ва рублда амалга ошириш имконияти мавжуд. Ҳозирда хизматлар бепул, бошқа банкларга ўтказмалар бундан мустасно.

Айни дамда компания даромади хизмат кўрсатиш ва комиссия тўловлари нархи 3 долларга тенг бўлган олиймақом (премиум) турдаги карталар ҳисобидан шаклланмоқда.

Рақамли ислом банкининг мобил иловалари ҳам мавжуд бўлиб, иловада намоз вақти эслатгичлари ва закот калкулятори каби ёрдамчи хизматлар, шунингдек, яқин атрофдаги масжидлар, намозхоналар ва ҳалол овқатланиш жойларини аниқлаш учун харита функцияси ҳам мавжуд.

Таууаб 2022 йилнинг биринчи чорагида, Қозоғистоннинг тобора кенгайиб бораётган электрон тижорат бозорига махсус илова-дастур – савдо платформаси орқали кириб боришни ҳам режалаштирмоқда. 2020 йилнинг тўққиз ойида Қозоғистонда электрон тижорат бозори ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 93% га ошиб, 382 миллиард тенгени (896,05 миллион АҚШ доллари) ташкил этди, ушбу ўсиш асосан пандемия ва карантин давларига боғлиқ.

«Таууаб тақдим этмоқчи бўлган платформа Амазонга ўхшаб кетади, платформада мобил телефонлар, телевизорлар, мебеллар каби улгуржи ва чакана маҳсулотлар сотилади. Биз шариатга мос бўлмаган маҳсулотларни сотмаймиз», дейди Каменский.

Унинг фикрича, Таууаб учун асосий рақобат афзаллиги шундаки, илова ёрдамида маҳсулот сотиб оладиган харидорлар тўловларни шариат талабларига мувофиқ бўлиб-бўлиб амалга оширишлари мумкин.